
Қайқуобод аҳлига ваъда қилинган 25 та электр таянчларининг 10 таси бугуннинг ўзида маҳаллага етказиб келинди

Бироз аввал, бугун туман ҳокими Шерзоджон Юлдашевнинг “Қайқуобод” маҳалласида фуқаролар билан сайёр қабул ўтказгани ҳақида хабар берган эдик.

Қабул жараёнида фуқаролар томонидан билдирилган барча таклиф ва муаммоларни ҳал этиш ижрога қаратилгани ҳақида хам маълум қилдик.


Маҳалла аҳлини қийнаётган ва туман раҳбаридан бу борада амалий кўмак сўралган ана шундай муаммолардан бири, маҳалланинг “Лайлак уя” ва “Тинчлик” кўчаларига 25 та электр таянч устунларини ўрнатиш таклифини бажаришга бугуннинг ўзида киришилди.



2 / 4

Туман энергетиклари ва маҳалла раиси Мўминжон Мелиевнинг бизга хабар

беришича ана шу 25 та электр таянч устунларининг 10 таси оқшомга яқин маҳаллага етказиб келинди.



“Қолған 15 та таянч устунларини ҳам тез муддатларда маҳаллага олиб келиб, “экиш” ишларини бошлаб юборамиз”, дейди туман электр таъминоти корхонаси раҳбари Жасурбек Мелиев.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-08-03 20:49:01